

## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎСМИРЛАР ОРАСИДА КОМПЬЮТЕР ЎЙИНЛАРИГА ТОБЕЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси жамоат  
хавфсизлиги университети  
п.ф.н., доценти И.О.Хайдаров*

Глобаллашув кишилик жамиятидаги маҳаллий аҳамиятга молик маданий, ахборот, иқтисодий, носий маконларнинг бир тизимга бирлашуви жараёнидир. Ер қуррасининг турғун транспорт маршрутлари билан бирлаштирилуви, миграция оқимларининг кучайиши, ахборот технологияларининг тараққий этиши ва ҳақозолар шаклланаётган глобаллашувнинг босқичларидир. Ўтган асрнинг охири бу жараён мисли кўрилмаган даражада жадаллашувига олиб келди ва глобаллашув даври номини олди.

Жамият ҳаётида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаган компьютер ўйинларининг тадқиқотлар олиб бориш учун бир қатор долзарб жиҳатлари мавжуд бўлиб, айниқса исталган компьютер ўйинида ҳаракатланувчи шахс - *геймер* тадқиқот объекти сифатида тадқиқотчилар эътиборига сазовор бўлмоқда. Бундай машҳурликнинг асосий сабабларига Интернет тармоғидаги контекст ва вирус рекламалари, ўйинлар сюжетлари асосида тасвирга олинаётган анимацион ва бадий фильмларни мисол келтириш мумкин. Мантқан олиб қаралганда, исталган ўйин, шу билан бир қаторда компьютер ўйинининг мавжуд бўлиши ва ўз вазифасини бажариши ўйинчи (ўйинчилар)нинг мавжуд бўлиши шarti билан бевосита боғланган. Олиб борилган кўплаб тадқиқотларда компьютер ўйинлари жанрлари, уларнинг ижобий ва салбий оқибатлари ўрганилиб, яъни ҳозирда компьютер ўйинларининг оммавий маданиятнинг мустақил феномени сифатидаги муаммолари, унинг классификация ва типологияси, компьютер ўйинларининг аудио ва визуал жиҳатлари, мазкур ўйинларнинг инсон психологиясига таъсири кабиларга асосий эътибор қаратилмоқда. Илмий доираларда олиб борилган ишларнинг баъзилари компьютер ўйинлари жанрларига, уларда қўлланган бадий воситаларнинг тизимлаштирилишига йўналтирилган бўлса, баъзиларида компьютер ўйинларига тобе бўлиш ва унинг клиник-психопатологик аломатлари ўртасидаги боғлиқликка эътибор қаратилган.

Тарихан олиб қаралганда, исталган ўйиннинг маданий ҳаётимизда “бошланиши”, “яратилиши”, умуман ўйинларнинг борлиқда мавжудлиги ҳолати инсон омили билан узвий боғлиқ. Компьютер ўйинлари борасида эса, мазкур

электрон ўйинларни яратувчиси, истеъмолчиси, талаб ва таклиф ташаббускори бўлган *геймер*, инсон омили бўлиб диққат марказида ётади.

Замонавий психология фанида тобелик хулқи муаммосининг илмий-назарий ўрганилиши шуни кўрсатадики, ўсмирларда тобелик (аддиктив хулқ) муаммоси бирор-бир объект билан ўзаро алоқага киришганда вужудга келади. Тобелик турли моддалар, кўнгилочар ўйинлар, маълумот олишга нисбатан шаклланиши, шу билан бирга одамларга, ишга ва турли оқимларга нисбатан бўлган тобеликни ҳам кузатиш мумкин. Тобеликни икки:

а) ижтимоий томондан хавф туғдирмайдиган

б) ижтимоий жиҳатдан хавфли хисобланадиган кўринишлари ажратилади. Аммо тобеликнинг ҳар қандай кўриниши ўсмирнинг руҳий ва жисмоний ривожланишида, албатта, у ёки бу камчиликларни келтириб чиқаради.

Бугунги кунда дунё аҳолисининг кўпгина қисми асосий вақтларини турли видеоўйинларга сарфлашлари, уларнинг видеоўйинларга бўлган тобеликни келтириб чиқармоқда. Жумладан, 2016 йилда ушбу ҳолат Европа аҳолисининг 48%да кузатилган бўлса, Америкада 72%, Осиёда эса 50%ни ташкил қилган. Видеоўйинларга ўта берилиб кетиш оқибатида экстремал вазиятлар, яъни ҳафта давомида 50 соат ўйин ўйнаш натижасида тобеликка тушиш ҳолати янада ортмоқда (Америкада 4%, Осиёда 24%). Шу боис 2018 йилда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти турли компьютер ўйинларига берилиб кетиш руҳий касаллик, деб тан олишини ва Халқаро касалликлар таснифига (ХКТ) киритилишини эълон қилди. Шу сабабли ушбу ҳолатларнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда ўсмирлар орасида компьютер ўйинларига тобелик яъни “лудомания”ни тадқиқ этишнинг ижтимоий аҳамияти беқиёслиги, компьютерга тобелик белгиси билан бугунги кунда компьютердан фойдаланувчи ўсмирларнинг деярли ярми азият чекаётганлиги, айти вақтда компьютер ўйинларига тобелик синдроми тобора кўпайиб бораётганлиги, компьютер ўйинларига тобе ўсмирларни ўрганиш натижаларига асосланиб дунёнинг турли хил мамлакатлари психологлари ўзига хос хулосаларга келмоқдалар.

Назарий таҳлилларнинг кўрсатишича, компьютер ўйинларига тобе ўсмирлар оилада, шахслараро муносабатларда, ижтимоий муҳитга мослашишда, мактабда муайян қийинчиликларга дуч келадилар. Шундан келиб чиққан ҳолда, ўсмирлик даврига хос компьютер ўйинларига тобеликни ўз вақтида аниқлаш, коррекция қилиш орқали кейинчалик аддиктив хулқ-атворни келиб чиқиши ва салбий оқибатларни олдини олиш мақсадга мувофиқдир.

“Лудомания” ўсмирларда агрессивлик, безовталиқ, ташқи назорат локусининг ортиши каби салбий хислат ва кечинмаларнинг пайдо бўлишига, шахслараро муносабатларда психологик муаммоларни келиб чиқишига сабаб

бўлиши бир қатор тадқиқот натижалари орқали исботланган ва компьютер ўйинларига тобелик ўсмирларда салбий шахс сифатларини шаклланишига олиб келиши эҳтимоли юқорилиги билан белгиланади.

Афсуски, маълумотларга қараганда ҳозир дунё бўйича кишилар орасида (катта ёшларда ҳам, ёшлар, ўсмирлар, болалар ўртасида ҳам) тажовузкорлик кўрсаткичи тобора ошиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири эса агрессияни тарғиб қилувчи адабиётлар, теле-, радио-, аудио-, видео- ва мультимедиа маҳсулотлари, интернетдаги материаллар, компьютер ўйинларининг кўпайиб бораётганидир. Уларнинг барчаси инсонларнинг психик ва психоэмоционал ҳолатига босим қилиш, кишиларни зимдан бошқариш, уларга ахборий-психологик таъсир ўтказишнинг таъсирчан воситаси сифатида намоён бўлади. Одамларнинг онг ости фаолиятига ахборий таъсир ўтказиш (кимёвий препаратлар, лазер-нур мажмуалари, юқори ёки қуйи частотали тўлқинларни ҳосил қилувчи генераторлар ёрдамида кўрсатиладиган психотрон таъсир) уларда турли психосоматик касалликлар ривожланишига, танада физиологик ва органик бузилишлар кузатилишига, шунингдек, ҳатто ўлимгача олиб келадиган вазиятларни яратишга сабаб бўлиши мумкин. Илмий истилоҳдаги “зомби”лар, “манқуртлар” пайдо бўлмаслиги учун айни ҳолат, яъни шахсга бошқаларнинг салбий таъсир ўтказишига йўл қўймаслик мақсадида ахборот истеъмоли маданияти, мафкуравий иммунитетни таркиб топтириш ва ривожлантириш масаласи ҳануз долзарблигича қолмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, ҳар куни 75 млн киши интернетдан фойдаланар экан, агар фоиз кўрсаткичида кўрсатилса, шундан 37% on-line ўйинлар ўйнайди, мусиқалар эшитади ва компьютерга ёзиб олишига тўғри келади.

Глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг ёшлар маънавиятига таъсири, ҳавф-хатарлари тўғришида ҳам сўз юритишга тўғри келади. Жаҳоннинг бир неча мамлакатларида уюшган жиноий гуруҳлар ва террорчи ташкилотларнинг сайтлари мавжудки, улар орқали нафақат ахборот алмашинуви, балки ёшларнинг турмуш тарзига, урф-одатларимизга мутлақо тўғри келмайдиган ёт ғоялар ва амаллар тарғиб қилиняпти. Интернетнинг ҳар юзинчи саҳифасининг порнографик мазмунга эга эканлиги ёш авлоднинг тарбиясига, хулқ-одобига зарар етказиши табиий. Чиқарилаётган on-line ўйинлардан ҳам манфаат фақатгина фоида олиш эмас, балки ёшларнинг маънавиятга таъсир қилишдир.

Ёш болаларнинг интернетдан кўп фойдаланиши ижобий томон билан биргаликда бир қанча салбий томонларни ҳам келтириб чиқаради. Мисол учун, телевизор орқали бирор бир ҳаёсиз ёки қўрқинчли кинолар берилса, ота-оналар фарзандларига буни кўришни таъқиқлашади. Лекин компьютердаги

зўравонликлар, отишмалар, қотиллик, хунрезликдан иборат ўйинларни ўйнашда масъулиятсизлик қилишади.

Вақт ўтган сайин бу ўйинлар болага ҳам физиологик ва психологик жиҳатлар салбий таъсир кўрсатишини кўпгина мутахассисларимиз айтиб ўтишган. Психиатрларнинг фикрига кўра, бу касаллик фанда «лудомания» дейилади ва асосан, болалар ҳамда ўсмирлар орасида учрайди. Уйқунинг бузилиши, хулқнинг ўзгариши, жиззакилик, қўнимсизлик, компьютер ўйинларига буткул қарамлик, ўқиш ва уй ишларидан бош тортиш каби аломатлари сезилади. Агар буни физиологик жиҳатдан олиб қарасак, нур таъсирида кўз хиралашиши, жисмоний ҳаракатларнинг сусайиши, танада қон айланиш тизимининг бузилиши, ҳаттоки наслга ҳам салбий таъсир қилиши эҳтимоли мавжуд.

Мутахассисларнинг фикрича, бу каби ўйинлар болаларнинг психологиясида инсон руҳий ҳолатини тушуниш хусусиятининг сусайишига, мулоқот кўникмаларининг йўқолишига, ачинмаслик ва шафқатсизлик хусусиятининг кучайишига, эгоизмнинг ривожланиши каби омилларнинг юзага чиқишига сабаб бўлади. Бу салбий сабабларни кўпчилик болалар ва уларнинг ота-оналари билсалар ҳам бунга эътиборсиз муносабатда бўладилар. Бунинг эвазига болаларнинг ўйинқароқ бўлиб қолиши, турли ёт ғояларга тез оғиб кетиш ҳоллари кўп учрайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Самаров Р.С. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми. Тошкент 2017.
2. Муминов А. Ўзбекистон ахборотлашган жамият сари. Тошкент. 2013. “Турон замин зиё”
3. Оилада ёш авлодни ёт ғояларга қарши “ғоявий иммунитет”ини оширишнинг психологик жиҳатлари. / Б.Умаров – Тошкент “РОИАМ”, 2016.- 19 б.
4. СафаевС.С. «Глобаллашувшароитидамиллий хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари» Т. 2005, 1-бет.
5. Тўлаганова Г.Қ.Тарбияси қийин ўсмирлар. -Т., 2005 й.